

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 29 июль № 157 (3432)

Пайшанба

## КОИКА РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) президенти Ким Сок Хён раҳбарлигидаги делегация аъзолари 28 июль куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соҳибқирин Сафоев билан учрашди.

Музокарада икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Шу куни меҳмонлар билан ҳамкорлиги 1992 йилда ўрнатилган эди. 1995 йилда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги Тошкентда ваколатхона очди. Шундан буён мазкур ташкилот Ўзбекистонга техникавий ва гуманитар соҳаларда кўмак бериб келмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов билан мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлашга оид масалалар муҳокама этилди.

Ким Сок Хёнга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий доктори унвони топширилди.

(Ў.А.)

## Ҳамкорлик кенгаймоқда

Ўзбекистон Президентининг И.А.Каримов ва Россия Президентининг В.В.Путин томонидан имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон-Россия муносабатларининг кенгайиши ва чуқурлашуви янги туртки берди.

Ю.Чайканин сўзларига қараганда, Россия томони Ўзбекистон ақли вазири А.Полвозода бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Москвага ташриф буюрди. Ташриф давомида Россия ақли вазири Ю.Чайка билан музокара бўлиб ўтди. Икки мамлакат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон ва Россия президентлари имзолаган шартномани аниқ фаолият низоми билан тўлдирди.

Ҳамкасблар тажрибасига таянган ҳолда бу каби тузилмаларни Россияда барпо этиш эҳтимоли маъмулликни қайд этди. Ўзбекистон делегацияси, шунингдек, Россия Федерацияси Олий суди раиси В.Лебедев ва унинг биринчи ўринбосари В.Радченко билан учрашди. Томонлар ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шу жумладан, террорчиликка қарши кураш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

М. ЗОХИДОВ, "Халқ сўзи" АА, Москва.



«Навоийазот» оғиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти республикамиз қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлар етказиб берадиган йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда тўрт турдаги ана шундай маҳсулот тайёрланиб, бир йилда жами 850 минг тоннадан ортиқ минерал ўғит ишлаб чиқарилаётган.

Корхонада маҳсулот сифатини ошириш, унинг турини кўпайтириш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти. Ҳўмладан, илгари хориждан валюта ҳисобига олиб келинаётган кимёвий препаратлар эндиликда шу ерда тайёрланаётган. Масалан, яқинда хлор ва хлорли каустик сода ишлаб чиқарилган цех ишга туширилди. Ушбу кимёвий маҳсулотлардан ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланилмоқда.

СУРАТДА: оператор Зубайда Пирназарова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## Карорни ўқиб...

Юртимизда тарихий жойлар кўп, муборак қадимлар бисёр. Номини сал қолса, унутилиб кетишгача келган улуг аждодларимиз тарихи фақат истиқлолнинг муборак шарофати ила тикланиб, қадр топди. Ота-бобосини, ўз элининг азизларини унутмаган элдан эса барака кўтарилмаган экан. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори халқнинг дилидаги айни гап бўлди. Зеро, бундай масканларни обод этиш аждодлар олдида ҳам қарз, ҳам фарздир. Биз ушбу қарор муносабати билан хурматли муштарийларимизга Шоҳи Зинда шахси ҳақида имкон қадар сўз айтишга жазм этдик.

## АЗИЗЛАР РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Шоҳи Зинда зиёратгоҳи — Самарқанд шаҳрининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Марказий Осиёдаги машҳур мейморчилик ансамбллари билан ҳамкорлик қилган. Турли обидалар мажмуидан иборат ушбу зиёратгоҳ тарихида Шоҳи Зинда (Тирик шоҳ) номи билан машҳур бўлган шахс — Қусам ибн Аббос қабри атрофида қурилган.

Қусам ибн Аббос Мухаммад алайҳиссаломнинг амакидорлари, энг сеvimли жиёвлари бўлиб, ул зотнинг ҳаёти ва фаолияти машҳур тарихий воқеалар билан боғланган. Қайсики, у VII асрда Самарқандга араб фотиҳлари билан бирга келган ва ислом динини тарғиб қилган. Шу билан бирга Қусам ибн Аббос бутун ислом оламида, айниқса, юртимизда бузург аълолардан бири сифатида эъзозланади.

Манбаларда, хусусан, «Қандия» китобида келтирилган ривоятлардан бирида айтилишича, шаҳарнинг Намозгоҳ масжидида (ҳозирги Дахбед шоҳ кўчасидаги Шайхзода масжидида) Йиди қурбон намозини адо этган Қусам ибн Аббос ва бошқа мусулмонлар устига қўқисдан хўмлар қилган гайридинлар уларни бирма-бир

ўлдирди бошлайдилар. Навбат Қусам ибн Аббосга келганда, ул зот намозни адо этган ҳамоно, Намозгоҳ масжидининг меҳробига бир ииорат қилгач, меҳроб девори ёрилади ва ул зот у ерга ўтиб чўқур қудуққа кириб кетган эканлар. Бошқа ривоятга қараганда, ул зот қўлига ўзининг кесилган бошини олганда, қудуққа тушиб, қиёматга қадар ғойиб бўлганлиги учун ҳам Шоҳи Зинда, яъни «Тирик шоҳ» лақабини олганликлари айтилади. Лекин, бу бир ривоят бўлиб, ҳақиқат шулким, Қусам ибн Аббос дин аҳлини хушламайдиганлар билан ўтган жангда ҳалок бўлганлар. Саҳиҳ манба ҳисобланган «Самария» китобининг муаллифи Абу Тоҳирхожа ҳам ул зотнинг шайхид бўлганликларини таъкидлайди.

Шоҳи Зинда мажмуаси деворли тўққиз аср (XI-XIX асрлар) давомида шаклланиб ва бугунги кунда 20 дан зиёд турли даврларда тикланган иишоотларни ўз ичига олади. Қусам ибн Аббос мақбараси қадимда ўтган подшоҳ сулолалари томонидан хозирга қадар қурилиб, таъмирланиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Биринчи босқич яқунланди

Уйчи туманидаги «Шифокор» маҳалласи ўз анъаналарига эга. Бу ерда кўча ва хонадонлар ободлиги учун ҳамма бирдай курашади. «Меҳр ва муруват йили»даги хайри ишлар эса аҳолини янада жиплаштирди. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини Американин «Мерси корпус» ташкилоти уюштирган танловда ғолиб чиқиб, каттагина грантни қўлга киритганди. Лойиҳаниннг биринчи босқичи бўйича ишлар яқунланди.

худудга салкам 930 метр ичимлик сув тармоғи ётқизилди.

Лойиҳаниннг биринчи босқичи тақдими ўтказилиши билан унинг кейинги босқичи ижроси бошланди кетди. Барча тадбирлар ниҳоясига етгандан сўнг, «Шифокор»даги 600 хонадон тўла ичимлик суви билан таъминланади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Монополиядан чиқаришда рақобат сиёсати

Германия техник ҳамкорлик жамиятининг кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаятган халқаро молия институтлари ва ташкилотлари, давлат ва бошқарув органлари, рақобат ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига

масъул бўлган идоралар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари бузилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни судларда кўриб чиқишни содда-

лаштириш, улар бўйича қабул қилинаётган қарорларни такомиллаштириш, рақобат ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тизимга оид бошқа долзарб масалалар бўйича мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Конференция давоми-

да германиялик экспертлар: Бавария ери монополияга қарши идорасининг бошлиғи Гельмут Люц ва Германия Олий ер судининг раслик қилувчи судьяси доктор Кноке ўз мамлакатларида ҳамда дунё микёсида монополияга қарши ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган умумтамоийлар хусусида тўхталиб, тадбир иштирокчилари саволларига жавоб қайтардилар. Саидолми ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ишбилармонлар ташрифи

Осиё тараққиёт банкнинг «Ўзбекистонда бир қатор таълим дастурларини амалга жорий этиш» лойиҳаси ҳамкори ҳисобланган Австралининг «Опсиви» компанияси делегацияси Самарқандга келди.

Мазкур халқаро молия ташкилоти ҳозирги кунда республикамизда 44 та касб-ҳўнар коллежи билан ҳамкорлик қилмоқда.

Компания коллежларни замонавий ўқув дастурлари билан таъминлаш ва ўқитувчиларни хорижда малакаларини ошириш бўйича маблағ ажратишни зиммасига олган. Жорий йилнинг биринчи ярмида уч нафар ўқитувчи Австралияда малака ошириб қайтди.

Бир неча қуллик ташриф давомида «Опсиви» компанияси делегацияси коллежлар фаолиятидан қониқиб ҳосил қилдилар.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ДУНЁ-ЛА БЎЙЛАШАР ИСТЕЪДОДЛАРИМИЗ!

Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида педагог-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳақида ҳам муҳим вазифалар белгилаб қўйилган. Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси жамоаси уларни изчил рўёбга чиқармоқда.

асосида, асосан йўл харажатларини қоплаш усули билан малака ошириб қайтдилар. Тажриба алмашиш харажатлари қабул қилувчи томон ҳисобидан қисман ёки тўлиқ қопланди.

Маълумки, «Истеъдод» жамғармасининг асосий фаолияти республикамиздаги барча таълим муассасаларининг иқтисодий ўқитувчилари ва илмий ходимларини жаҳоннинг ривожланган давлатлари таълим ҳамда илмий марказларида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, шу билан бирга, хорижий давлатларнинг таълим соҳасидаги илғор тажрибаларини умумлаштириш ҳамда уларни республика таълим муассасалари амалиётига жорий қилишга йўналтирилган.

«Истеъдод» жамғармаси яна янги бир хайрли ишга қўл уриб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Жамғарманиннг негизда 2003 йилнинг 26 августидан эътиборан Масофали ўқитиш маркази ташкил этилиши муносабати билан ҳар йили олий таълим муассасалари, академик лицей, касб-ҳўнар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактабларининг ёш ва истеъдодли ўқитувчилари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг ходимларини чет элларга узоқ муддатга чиқмасдан туриб, масофали ўқитиш йўли орқали ўқитиш ташкил қилинмоқда. Республикаимизнинг ёш педагог ва илмий кадрлари ўз малакаларини ошириб, дунёнинг етуқ ўқув масканлари — Кембриж, Гарвард, МДУ, Васеда, Сорбонаниннг бакалавр ҳамда магистрлик дипломлари ва сертификатларига эга бўла бошлайдилар.

Кейинги бир йил ичида мазкур жамғарма чет элда малака ошириш курсларида қатнашиш учун энг яхши педагог-ўқитувчилар ҳамда илмий ходимларни аниқлаш мақсадида республикамиз иқтисодий-иқтисодий ҳаётининг 30 та устувор йўналиши бўйича танлов ўтказди. Шу асосда жамғарма грантининг 220 нафар совиридоридан 50 таси хорижий ўқув юрларига малака ошириб келди.

Айни вақтда АҚШ Гарвард университетининг масофали ўқитишга мўлжалланган «JAVA дастураш тили» курси бўйича республика олий ва ўрта махсус, касб-ҳўнар таълим масканларида тўрт нафар профессор-ўқитувчи тахсил олмоқда.



Қишлоқ аёллари

Бу гални шу йил саратон ойининг учинчи чорданбаси куни Бандихон тумани хотин-қизлар кўмитасининг расиси Хосият Норбоевадан эшитдик. Аслида у буни «Сарой» маҳалласи фуқароси Ойхол Каримова-нинг кўмитага ёзган аризасидан келиб чиқиб айтган экан. Ойхол опа ўша аризасида «Рўзгорим нотинчроқ. Ойламдан мени ажратиб қўйинглар, йўқса, оқибати яхши бўлмас: уйимдан, рўзгоримдан бош олиб чиқиб кетаман» деган сўзларни битган экан. Энди Хосият опани сизга таништириб ўтсам. Чорак асрга қишлоқ мактабида адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Кўмитага ишга ўтганига тўрт ойча бўляпти. «Ен-

киб кетиш ўқишдан, ё ишдан, ё тўйдан чиқиб кетиш эмас-ку? Рўзгорига сизманга ўтиб сизмангадан ҳам ёмон-ку? Шу момонинг ҳол-аҳолини бир кўриб келсам... —

адирларининг шамолидан баҳра топган поллиз экинлари ҳосили гарқ пишган, ҳов нарида, пиёз ва картошка йиғиштириб олинган жойда кечки бод-ринг гурқираб ўсмоқда.

## «Тишни тишга босиб яшамайдилар»

Сўнгра кўшиб қўйди: — Иш кўп. Ҳаммасига улгуролмаяпман. Улгуролмасам, эпполмасам — иш-лолмаганга ўтиб қоламан. Мени ишдан бўшатиб қўйишларингизни сўраб, ариза ёзаман...»

Жўяқлари шунчалик тўғри тортилиб, пушталар ҳафсала билан чопик қилинганки, бу манзарога қараб, худди Рўзи Чориевнинг полотноларини кўргандай бўласиз.

— Сиз шундай десангиз, қайси эракнинг устига аёллик либосини кийгизиб, хотин-қизларга бош қилиб кўямиз сўнг, — деди Олимжон. Хуллас, бир ярим соатлардан сўнг машина топилди. Хосият опа кўмитаниннг фаолларидан бири Дилором Менгниёзовани қабагига олиб, «Сарой»га, уста Жўра Раҳмоновнинг хонадонига борди.

Ана шу гулдай рўзгорга унинг бекаси Ойхол момо... сизманга эмши. Унинг сўзлари билан айтаман, «чол», «чолим» дейди! Жўра бобо сизманга эмши...»

Хонадон оғалари янги уй қурибди, айниқса, йигирма сотихка келадиган томорқасининг саришталигини айтинг; Бандихон

— Ойхолнинг товуғи кўп. Помидорларини пишган жойида чўқиб ташлапти. Шунинг билан Ойхол тўвақда гул ўстиради. Гулга гўнг солади. Гўннга чумоли айланади. Шунинг билан — дейди Жўра бобо ҳар бир сўздан кейин қуришга, жилмайишга ҳаракат қилиб. — Чолимнинг аввалги

уйи синган (аввалги хотини ўлган, демокчи). Бизнинг бирга яшаётганимизга, мана, саккиз йил бўлиб қолди. Бу киши — қайсар. Қўполроқ. Гаплари баданимга

ди. «Жаҳлинг тез экан», деб хеч кимни қоймади. «Рўзгордан чиқиб кетиш гўрдан чиқиб кетишдан ҳам дахшат-ку!», деб ваҳима солмади. Чол-хампирининг ёнида у Майсара билан гурунлашди. Эгачи бўлиб, она бўлиб, меҳрибон дўст бўлиб гурунлашди. Шунанга бир гурун бўлдики, халигина тишларини тишларига босиб гаплашиб турган Жўра бобонинг ҳам, Ойхол момонинг ҳам бўғинлари бўшагандай, асаблари ёришгандай бўлди. Ва бир пайт Жўра бобо момога ярим дашном, ярим эркалаш оҳангида фармон қила бошлады:

— Меҳмон келипти-ю, нега дастурхон ёзмайсан? Қовуннинг энг яхши-сидан об ке. Жиз-пиз қил... Хайрлашув чоғида Майсара Хосият опага рубурў келди. Опа уни майингизга бағрига босди. Майсара опаниннг елкасига бош қўйди. «Раҳмат, сизга, опажоним, бизникига тез-тез келиб туринглар», деди. Хосият опа бошқаларга билдириб-билдирмай Майсараниннг кўзидеги ёшларни артиб қўйди.

Кишлоқдан қайтаётиб, Дилоромхон Хосият опага самимий тарзда пичинг қилгандай бўлди: — Шундай қизингиз, — Шундай қизингиз,

(Давоми 2-бетда).

Майсара — Жўра бобонинг кенжа қизи. Ойхол момо унга — ўғай. Лекин улар туғилгандан-да инок. Ойхол момо «Болажоним» деса, Майсара «Онажоним» дейди. Ана шундан сўнг гапирини навбати Хосият опага тегди. У ваъз ўқимади. Панд-насиҳат қилма-

(Давоми 2-бетда).





# Инсон ақлининг меваси

Мана, салкам икки минг йилдирки, шахмат санъати жаҳон халқлари тафаккурининг ажралмас бир қисми сифатида давр синовларига дош бериб келаётган ва тибора сайқаланиб бормоқда. Шахмат жаҳон маданияти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Шу боис кўпгина мамлакатларнинг йирик кутубхоналари ва музейларида шахмат санъати оид асарлар сақланиб келмоқда, лугатларда ақл гимнастикаси ва унинг усталарига махсус саҳифалар ажратилган.

Маълумки, шахмат атамалари вақт ўтгани сайин кўп жиҳатдан ўзгарди, бойиди. Эски атамаларнинг ўрнини янгилари эгаллади. Қадимги шатранж салкам минг йил умр кўргач, ўз ўрнини Европа шахматчиларига бўшатиб берди. Чунки ўзини қондалари, доналарнинг кучи, кураш мазмуни ўзгарди.

Биламизки, шахматнинг дастлабки кўриниши Хиндистонда пайдо бўлиб, кейин бошқа ўлкаларга ёйилган. Аммо ҳамма жойда ҳам бир хил ривожланмаган. Бунга ўша мамлакатнинг савияси, турмуш тарзи, шароитлари ҳам сабабчи бўлган, албатта. Баъзи давлатлар шахмат қабул қилинган, унинг доналарини ўзлари учун қулай шаклга киритолмаган ва унинг асл маъносига путур етказмасликка қарор қилишган. Урта Осиёда шахмат доналарининг азалий номлари деярли ўзгармаган. Эрон, Озарбайжон халқларида доналарнинг номланишида фақатгина катта эмаслиги бу давлатларда ақл ўзининг деярли бир вақтда пайдо бўлган даракдир.

Мумтоз адабиётда ҳам шахмат доналарининг номлари кўп учрайди. Хозиргача ишлатиб келинаётган атамалар орасида "Шахмат" сингари "Шохрух", "Шох фарзид", "Рух", "Фарзид", "Пиёда", "Кишти койим" ва бошқа сўзлар ҳам борки, улар асосий шахмат атамалари ҳисобланади. Масалан, "Шох" сўзи форс-тожик, озарбайжон, ўзбекларда ишлатилган, ҳинд тилида подшоҳ маъносини англатади. "Мот" сўзи эса араб, ўзбек ва озар тилларида "ўлди" маъносини эмас, балки энгилиш, иложсиз қолиш, мағлуб бўлишни англатади. Шох мот бўлди,

дейилса-да, аслида шох ўлмайди. Яъни бошқа доналар сипоҳлар каби тахтадан олиб ташланмайди, балки унинг ҳамма йўллари тўсилиб, ҳисбга олинади. Араб тарихчиси Равандий ҳам "мот" сўзини "ўлмоқ" маъносига ишлатмаган. У шахмат шохининг қочадиган хойи қолмагач, "мот" бўлади, дейди.

Ўзбекистонда шахмат ўйини дастлаб Шатранж, деб аталарди. "Шатранж" аслида ҳинд тилидаги "чатуранга" сўзидан келиб чиқиб, "тўрт таркиб" маъносини англатади. Мумтоз адабиётда шатранж сўзи кўп учрайди. Уни шахмат ўйини, дунё, фалак, жанг майдони ва шунга ўхшаш маъноларда ишлатишган. Тарихий манбаларда ёзилишича, буюк ўзбек олими Берунийга тенг келадиган олим бўлмаган. У бошқа соҳалар қатори шахмат санъатининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган.


Яъни биламизки, XIV-XV асрда Шарқда Фан ва маданият ривожланган даврдир. Ақл-идрок ўйини шахмат ҳам шу даврда маданиятнинг ажралмас қисми сифатида раванк топди. Буюк Алишер Навоий ҳам ўз ижодида қадимий шатранж хусусида тўхталган. Унинг "Мақоли-сун-Нафоиш" асарида шатранж устодлари ҳақида хикоялар учрайди.

Навоий Хирот шаҳрида яшаган даврида шахмат ўйини юксак даражага кўтарилган эди. Шоир ўша вақтларда икки хил шахмат, яъни шатранжи кабир ёки шатранжи қомил (100, 110 каттали кўпроқ хонали ва кўп доналик шахмат) ва шатранжи сағир ёки шатранжи мухтасар (64 хоналик тахтада ўйналадиган шахмат) маъжуд эканини ёзган.

Тарихчи олим Ибн Араб-шоҳнинг ёзишича, буюк

Амир Темури ҳам бунга қолди дебунча шатранж уйнаркан ёки ов қилишга чиқиб кетар экан. Соҳибқирон ўйнайдиган шатранж тахта-сининг эни 11 хона, бўйи 10 хонадан иборат бўлган. Амир Темурининг шахматга иштиёқи унинг ақл-фаросат билан давлат бошқаришида, ҳарбий ишларни тadbиркорлик билан юритишида кўл

## Шахмат санъати



қолган. Масалан, у жанг майдонида қочиб пиёдаларни, қачон сипоҳларни ишга солиш кераклигини дастлаб шахмат тахтасида аниқлаган. Қулардан бир кунги Амир Темури ўша даврдаги шахмат устаси Алоудидин ат-Табризийнинг шахмат борасидаги ақл завоқотига юқори баҳо бериб: "Гуё мен мулк сибасида ягона султонликни бошқармоқдаман. Сен ҳам шахмат оламида тенги йўқ шатранжчисан" дейди.

XVIII асрда яшаб иҳод этган машҳур рус шахматчиси ва олими К. Янш соҳибқирон Амир Темурининг тарихи билан танишган. Темурининг 1402 йилда Боязид ва унинг икки ўғли устидан қучган зафарини шахмат тахта-сида 10 юришдан иборат масалага қиёслаб, уни "Темури қараси" деб номлайди. Бу кашф қилиш эса 1850

йилда Париж матбуотида эълон қилинади. Ушбу масала бутун дунёдаги тарихчи олимларни, шахматчиларни ўзига ром этади.

Аслида, шахмат бутун инсоният зақосининг мевасидир. XV асрдан то XVIII асрга қадар Франция, Германия, Англия, Италия, Россия ва бошқа давлатларда шахмат назариясига оид кўпгина аниқликлар киритилган. Шахматга оид китоблар, журналлар нашр қилина бошланди. Лондонда 1883 йили олимлар томонидан механик шахмат соати топилди. Чунки XIX аср ярмигача шахмат ўйини пайтида вақтни билиш учун кўп соатдан фойдаланишган. 1825 йилда эса Испаниянинг Барселона шаҳрида шахматнинг биринчи лугати босиб чиқарилди. Унда шахмат ўйини қондалари ва номланишлар изоҳи кўрсатилган.

Орадан кўп йиллар ўтди. Олимлар шахмат ҳақида ўз фикрларини баён қилишиб, унинг сеҳрли дунё, сирли, мўъжизавий ўйин эканлигини эътироф этишди. Ўз ўрнида унинг энг адолатли ўйин эканлигига иқдор бўлишди. Машҳур академик Н. Ишлинскийдан "Шахматнинг сир-асрорини билиш учун бекисё ақл-куч ишлатилади. Бу ўйин ўзи бундай гайрат сарфлашга арзийдими?" деб сўраганида, олим: "Ҳа, арзийди, чунки шахмат инсонга у сарфлаган кучдан кўра кўпроқ наф беради", деб жавоб берган экан.

Дарҳақиқат, шахмат санъати катта мантикий кучга эгадир. У сирлилиги билан кишини ўзига ром этади. Доналарни сўриб ўйнаётганингизда худди мусавварлардек берилиб кетасиз. Унинг эстетик таъсир кучи реал нарсага таъсирлайди, инсон тафаккурини чарқайди.

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, шахмат тахтасида қилинган 10 юришдан сўнг шунчалик кўп вариантлар бўлиши мумкин эканки, улардаги барча юришларни имкониятларни қўриб чиқиш учун ер шаридаги одамлар 217 миллиард йил давомида доналарни у

ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа суришлари керак бўлар экан. Бу бир дақиқада минглаб жараёнларни бажарадиган электрон ҳисоблаш машиналари учун ҳам бир неча йиллик ишдир. Аммо инсон мияси, унинг ақл-заковати минглаб имкониятлар орасидан кераклигини ажратиб олиш хусусиятига эгадир. Биз бу мисолларни бежиз келтирмаймиз.

Гап шундаки, шу йилнинг 18 июнидан 13 июлига қадар бутун дунё шахмат мухлисларининг нигоҳи Ливияга қаратилган эди. Деярли бир ойга яқин вақтда беллашган дунёнинг мана-ман деган шахмат усталари устидан ўзбек ўғли зафар кучди. Рустам Қосимжонов ўзининг ўйин услуби, ақли, салоҳияти билан барчани лол қолдириб, буюк аждодларнинг муносиб вориси эканлигини исботлади. Унинг ёшида жаҳоннинг етакчи гротмейстрларига қарши дона суриш ҳар қилнинг ҳам қўлидан келармайдими. Рустам ўзининг янгича услубида катта-жанг майдонига кириб борди. Жиддий ва тезкор ўйинда ҳам рақибларини доводиратиб қўйди.

Тарихдан маълумки, жаҳон чемпионлиги учун кураш йўли осон кечмаган. Бу йўлда кимдир чекинади, кимдир таслим бўлади. Рустам эса машаққатларга бардош бериб, чемпионлик сари олға интиди. Хиндистонлик дунёга машҳур шахматчи Вишванатан Ананд ва россиялик машҳур Гарри Каспаровлар экран орқали ҳамюртимизнинг ўйинларини кўриб, таҳлил қилиб боришди ва Рустам Қосимжоновнинг ғалаба қозониши мукаррар эканлигига амин бўлишди.

Рустам Қосимжонов ўзбек халқидан етишиб чиққан тўғма истеъдод соҳибидир. У жаҳон чемпионлари Стейнли, Ласкер, Капабланка, Алёхин, Фишер ва бошқалар қаторидан жой олди. Аммо ҳамюртимизнинг ёшини инобатга оладиган бўлсак, у бу рўйхатнинг бошида туришга арзийди!

Анвар ИНОҚОВ, шахмат бўйича спорт усталлигига номзод.

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

Ишлаб чиқарувчи заводлар дилери

«ИЖМАШВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига бюртмалар қабул қилади ва сотади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари евазига автомобиль етказиб беришни таклиф қилади.

Мулкот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62; Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.

«ГАЗ-31105»

«ГАЗ-3102»

«ВАЗ-2106»

«ГАЗЕЛЬ»

TRINITY — RISO нинг расмий дилери

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

МИНИ БОСМАХОНАЛАР

РИЗОГРАФЛАР САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ

босмадан кейин ишлатиладиган жиҳозлар: қирқадиган (IDEAL), брошюралидиган ва ламинаторлар (REXEL).

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 20-уй. Телефон: (998 71) 152-26-30. Факс: (998 71) 152-71-95.

УДОВОЛЬСТВЫЕ<sup>2</sup>

MOBILE COMPUTERS

Рабочие станции Серверы

Официальный поставщик — компания "Nuron Savdo". Прямые поставки из Германии. За наличный, безналичный расчет и в кредит. Гарантия — до 3 лет. Для размещения заказа звоните по тел. (998-71) 194-57-91, e-mail: info@nuron.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

2004-2005 ўқув йили учун атроф-муҳит муҳофазаси мутахассислиги бўйича халқаро магистратурага қабул танловини эълон қилади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Голландиянинг Вагенинген университети етакчилигида ЮНЕСКО, Австриянинг Вена кишлоқ хўжалик фанлари университети, АҚШнинг Огайё штати университети, Голландиянинг инфраструктура, инженерлик, экология ва гидравлика халқаро институти ва сув ресурсларини бошқариш халқаро институтлари ҳамкорлигидаги TEMPUS EWASIA лойиҳаси доирасида экология Осиеда атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларининг ечими билан шуғулланадиган магистрларни тайёрлайди.

Магистратурада машгулотлар Европа ва Марказий Осиёнинг таълим стандартлари асосида нуфузли университетларнинг профессорлари иштирокида инглиз тилида олиб борилади.

Хўжжатларни топшириш учун талаблар:

- талабгор бакалавр даражасига эга бўлиши;
- талабгор инглиз тилини билиш даражасини баҳоловчи TOEFL ёки IELTS сертификатларига эга бўлиши;
- Вагенинген университети ва мазкур лойиҳа вакиллари билан суҳбатдан ўтишлари керак.

Халқаро магистратурага кирувчилар куйидаги хўжжатларни топширишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- маълумоти ҳақидаги хўжжатнинг асл нусхаси;
- 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
- 086У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги хўжжат шахсан кўрсатилади.

Хўжжатлар 2004 йилнинг 31 июлигача қабул қилинади.

Халқаро магистратурага кирувчилар куйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

- мутахассислик фани;
- демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари фани.

Имтиҳонлар 2004 йил 3 августдан 10 августгача ўтказилади.

Институт манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Маълумот учун телефонлар: 137-09-75, 137-09-58, 137-19-34.

**Меҳр кунда керак**

Андижон вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармасининг ногиронларга бу галги туҳфалари ўзгача бўлди. Бирваракайига 300 нафар ногиронга аравача, икки юздан зиёдаги ашиштиш мосламалари ажратилди. Ўзгалар ёрдамга муҳтож бўлганларнинг жониға оро қирган ана шу совғалар ногиронларнинг уйлариға олиб бориб топширилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Хўрматли хонимлар ва жаноблар!

«ЎЗТЕМИРЎЙЎЛОВЧИ» ОАЖНИНГ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

ишлаб чиқарётган маҳсулотингиз ва кўрсатаётган хизматингиз ҳақидаги маълумотларни маҳаллий ва республикалараро йўналишдаги поездларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча темир йўл вокзалларида реклама қилишни таклиф этади.

Телефонимиз: 199-71-83, факс: 136-46-39. E-mail: uzjeldorpass@infonet.uz

«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» СТИЛАДИ

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102, ВАЗ-2107 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

191-03-80, 191-10-43.

Корхона ва ташкилотлар диққатиға!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚўМИТАСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУДУДИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Буюртмачи — Самарқанд вилояти ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси. Манзили: Самарқанд шаҳри, Челек кўчаси, 50-уй. Телефонлар: 33-37-65, 33-24-54. Қурилиш ишларини молиялаштириш 2004 йил манзилгоҳлар рўйхатиға асосан давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

№ лот	Иншоотлар номи	Қурилиш муддати
ЛОТ-4-2		
1.	Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, «Элипоқ» ш/х, Чубот қишлоғидаги 50-ўрта мактабга қўшимча синф хоналари қурилиши	3 ой
2.	Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани, Каттакора қўрғонидаги 48-мактабга қўшимча қурилиш	3 ой

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларға мос келишлари керак: танлов савдолари предметни қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловға қўйилган объектға ўхшаш ишшоотларда ишлаганлик тажриба ва қўшимчаларға, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси хўжжатлариға эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказиға қуйидаги манзилға мурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона. Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.

Хўжжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати — 40000 соми. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотида чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдонида, соат 18.00да. Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

**О'ZSANOATQURILISHBANK**

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЖОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25

132-16-63

**Халқ сўзи Народное слово**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикасини Вазири Махкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 001-раҳам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 869, 22022 нухсада босилган, аҳами — 2 тўбоқ. Офсет усулида босилган. Қозоқ бичими А-2. Газета IBM компьютерларида терилди ва операторлар Жамшед Топиев ва Баҳодир Файезов томонидан саҳифаланди. Таҳририятда аҳами 5 қондаги энди материаллар қабул қилинмади. [1]-Тиражот материалли.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Митбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпиев. Навбатчи муҳрир — Ҳ. Қаримов. Навбатчи — М. Холматова. Мусахҳах — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳ.У.А якуни — 20.20 Топширилди — 20.40 2 3 4 5 6